

САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йил январь-июнь ойларида республика корхоналари томонидан 94,0 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 110,7 % ни, саноат ишлаб чиқариш индекси эса 106,1 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,3 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига қўшган ҳиссаси 5,7 пункт), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 32,8 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 4,6 пункт), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 1,4 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,1 пункт) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 36,2 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,3 пункт) ўсиши ҳисобланади.

Январь-июнь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 15,6 трлн.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 16,6 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича каолин ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан - 1,8 мартага, чақиқ тош қазиб олиш 1,6 мартага, газ конденсати – 17,9 % га, табиий газ – 6,3 % га ва шағал – 1,5 % га ошганлигини, шу билан бирга кўмир қазиб олиш ҳажмининг - 14,8 % га ва нефть 9,7 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

**Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлашда йирик саноат корхоналари
томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)**


	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- июнь	2017 йил январь-июнь ойига нисбатан, % да
Нефть	минг тонна	375,2	90,3
Газ конденсати	минг тонна	1055,3	117,9
Табиий газ	млн. куб. м	29340,4	106,3
Кўмир	минг тонна	1689,1	85,2
Шағал	минг тонна	168,7	101,5
Чақик тош	минг тонна	644,9	1,6 м.

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2018 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 70,5 трлн.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 74,9 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 1,2 % ни (2017 йил январь-июнь ойларида - 2,0 %), ўрта-юқори технологиялини - 28,0 % (19,5%), ўрта-қуйи технологиялини - 31,5 % (25,9%) ва қуйи технологиялини- 39,3 % (52,6%) ташкил этди.

**Январь-июнь ойларида ишлаб чиқаришнинг
технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



Ўз навбатида саноатнинг мазкур тармоғида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан трактор ишлаб чиқариш 5,6 мартага, акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар – 28,2 % га, автомобил двигателлари - 22,9 % га, енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз) – 18,4 % га, дизел ёқилғиси – 17,9 % га, ўсимлик ёғи (тозаланган) – 10,5 % га, автомобил бензини - 3,1 % га ва пахта толаси 1,4 % га ошганлигини шу билан бирга, портландцемент, автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайганлигини кузатиш мумкин.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари
томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)**

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- июнь	2017 йил январь-июнь ойига нисбатан, % да
Енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз)	дона	78035	118,4
Юк автомобиллари	дона	1550	75,0
Автобуслар	дона	269	69,2
Тракторлар	дона	1799	5,6 м.
Автомобил двигателлари	дона	59860	122,9
Пахта толаси	минг тонна	490,5	101,4
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	минг тонна	121,7	110,5
Тамаки маҳсулотлари	млн.дона	4890	102,2
Автомобил бензини	минг тонна	560,3	103,1
Дизел ёқилғиси	минг тонна	557,2	117,9
Портландцемент	минг тонна	3953,8	94,2
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар	минг тонна	6,7	128,2

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 7,0 трлн.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 7,5 % ни) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 % га ва газсимон ёнилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ҳажмининг – 1,0 % га ошганлиги кузатилди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 955,9 млрд. сўми (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,0 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таркибида қора металллар бўлган иккиламчи хом ашёни - 32,8 % га, таркибида алюминий бўлган иккиламчи хом ашёни - 73,9 % га, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматларнинг – 22,8 % га, оқава сувларни ёқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларнинг – 20,7 % га ошганлиги кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)**


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнь ойига нисбатан, % да</i>
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами	94017,2	110,7
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	15596,6	132,8
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш	10169,3	160,3
металл рудаларини қазиб олиш	4816,0	101,0
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари	324,7	111,1
Қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат)	70461,6	107,3
улардан:		
озик-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	12266,8	93,4

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнь ойига нисбатан, % га</i>
тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	12842,5	113,1
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	15715,5	122,6
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	1484,3	98,5
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	552,5	105,9
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2445,5	102,8
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	7701,0	107,5
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	614,6	102,7
бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	4568,0	103,6
металлургия саноати	11753,7	104,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	7003,1	101,4
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	955,9	136,2

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан (105,8 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 33,0 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 58,1 % дан 2018 йил январь-июнь ойларида 62,5 % га ошиши кузатилмоқда.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да
(январь-июнь ойлари учун)




Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши

Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Сурхондарё (2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 129,9 % га), Андижон (125,6 % га), Хоразм (114,2 % га), Тошкент (109,5 % га), Қашқадарё (109,4 % га) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (109,7 % га) сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)


(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Тошкент шаҳари (республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 17,3 % улушини), Тошкент вилояти (16,4 %), Навоий (11,4 %), Андижон (10,3 %), Қашқадарё (6,9 %), Фарғона (5,9 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Худудларнинг республика жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуши Сурхондарё (1,4 %), Жиззах (1,5 %), Сирдарё (2,0 %), Наманган (2,3 %) ва Хоразм (2,6 %) вилоятлари хиссасига тўғри келади.


Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь-июнь ойига нисбатан, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь-июнь ойига нисбатан, % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	94017,2	110,7	31037,1	105,8
Қорақалпоғистон Республикаси	4216,0	109,7	549,5	103,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	9703,2	125,6	7147,3	128,5
Бухоро	3567,1	101,9	1522,1	104,9
Жиззах	1392,8	108,3	671,0	102,8
Қашқадарё	6496,3	109,4	1154,9	102,3
Навоий	10683,8	101,4	1134,4	100,9
Наманган	2129,6	108,8	1306,2	105,8
Самарқанд	5008,9	100,8	2554,0	106,8
Сурхондарё	1280,3	129,9	517,1	105,2
Сирдарё	1880,6	108,4	608,7	108,7
Тошкент	15412,7	109,5	2945,1	108,2
Фарғона	5535,2	107,0	1571,1	103,7
Хоразм	2479,3	114,2	1543,8	115,5
Тошкент ш.	16220,9	107,7	7811,8	101,8

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Навоий вилоятида (11112,7 минг сўм), Тошкент шаҳрида (6552,8 минг сўм), Тошкент (5372,3 минг сўм) ва Андижон (3210,9 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (2868,3 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)




Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 127,2 % га), Андижон (123,5 % га) ва Хоразм (112,5 % га) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, Самарқанд (98,9 %) ва Навоий (99,8 %) вилоятларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,6 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 31,1 % ташкил этмоқда.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 68,0 %), Наманган (63,7 %), Жиззах (60,8 %) ва Самарқанд (52,4 %) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Навоий вилоятида (12,9 %), Қорақалпоғистон Республикасида (13,7 %), Тошкент (17,8 %), Қашқадарё (20,2 %) ва Андижон (20,9 %) вилоятларида кузатилди.

**Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқаришдаги улуши, % да
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)**



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 667 та лойиҳа бўйича 7,4 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 262,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 500 та янги иш ўринлари яратилди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан лойиҳалар сони камайишига қарамай, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 2,1 мартага, уларнинг экспорти эса 14,6 % га ошганлигини, шу билан бирга яратилган иш ўринларини 2017 йилнинг январь-июнь ойларида нисбатан 70,0 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**
(январь-июнь ойлари учун)


	2017 йил	2018 йил
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	711	667
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	308	281
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	3488,8	7425,4
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	229,1	262,5
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	1665	500

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда республикада 52,8 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 12694 таси Тошкент шаҳрига, 5806 таси Фарғона, 5577 таси Тошкент, 5260 таси Андижон, 4178 таси Самарқанд, 4096 таси Наманган, 2415 таси Бухоро, 2280 таси Қашқадарё, 2250 таси Хоразм, 2048 таси Жиззах, 1838 таси Сурхондарё, 1645 таси Навоий, 1161 таси Сирдарё вилоятларига ва 1554 таси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик

(2018 йил 1 июль ҳолатига)



Жорий йилнинг январь-июнь ойларида республикада 5,7 мингдан ортиқ янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 69 % Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Наманган вилоятларига тўғри келади.